МУСТАҚИЛЛИК ЗАРВАРАҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги 31 августда эълон қилинди 1 сентябрь — МУСТАҚИЛЛИК куни

1991 йил

4 январь
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти қасамёд қилди

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

1992 йил

4 январь
Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Марказий Осиё республикалари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди

1993 йил

21 январь
Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди

1994 йил

11-12 январь
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги мамлакат давлат делегацияси Польша Республикасига ташриф буюрди.

1995 йил

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 1 август, пайшанба № 98 (22.019).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига

МУБОРАКНИНГ МУБОРАК КИШИСИ

У гавдали, думалоқ юзли, пахмоқ соқол қўйган киши бўлиб, юзлари дағаллашиб кетган. Кўришдик. Гурзидек қўли метинга айланган. У кириб келгандан кейин салом-алик тугар-тугамас «Муборакгаз» газ конлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдураҳмон ака Абдиев сўзни илиб кетди:

— Меҳмон, сиз излаб келган қаҳрамон Бўрон Рўзиев шу киши бўладилар. Мустақил юртимизнинг дастлабки қаҳрамонларидан. Кўринишига келсак, — деди у менинг ички кечинмаларимни пайқаб тургандек ҳазил аралаш, — ҳеч ажабланишнинг ҳожати йўқ. Муборак чўлининг аёвсиз қаҳратонию саратонида қирқ йилдан ортиқ темир билан олишавериб дағаллашиб кетган. Табиати мулойим, ҳозир суҳбатлашганда ўзингиз билиб оласиз.

Абдураҳмон аканинг бу сўзларидан кейин қалбимизга илиқлик ингандек бўлди. Бўрон Рўзиев унинг сўзларини тасдиқлаш маъносида ёқимли жилмайди.

— Муборакка биринчи марта келганимда тўртта устун тепасига омонатгина қўндирилган вокзал мавжуд эди, холос, — деди у мақсадга кўчиб. — Атрофдаги бармоқ билан санарли чайлаларда одамлар истиқомат қилишарди. Ичимлик суви поездда ташиб келинарди.

Узоғи билан ўттиз йил олдинги бу манзара бизга эртакка ўхшаб эшитиларди. Чунки биз кўчалари кенг ва равон, кўп қаватли бинолари, маданий-маиший муассасалари, замонавий стадиони, шарқона услубда бунёд этилган оромгоҳи, бозори мавжуд шаҳарни кўриб турардик-да.

Бўрон Рўзиев илк бошлаган касби — газ операторлигини давом эттириб келарди. Бу касбни у бизга соддагина қилиб тушунтириб берди.

У ўзининг иш тажрибасига шундай таъриф беради.

— Операторлик аслида нефть-газ соҳасининг мураккаб касбларидан ҳисобланади. Айниқса, яқиняқинларгача унинг мураккаб томони атайлаб бўрттириб, сеҳрлидек қилиб кўрсатилиши натижасида эшитган кишини ваҳм босарди. Маҳаллий кадрларнинг камлиги ҳам шундан эди. Мен ҳозир шогирдларимни оддий чўпон ёки деҳқон фарзандидан танлаб оламанда, унга операторликнинг мураккаб томонини содда ва тушунарли қилиб таърифлаб бераман. Чунки биринчи навбатда ёшлар қалбида бу касбга меҳр уйғотишга ҳаракат қиламан-да. Ахир одамда танлаган касбига нисбатан меҳр уйғонмасдан туриб асосий мақсадга эришиб бўлмайдида. Айниқса, бу касбда ишлаган одам ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини йўқотиб қўйиши мумкин эмас.

— Мураббийларингиз қандай одамлар эди?

— Улар ҳаёт китобини пухта ўқиган, чин мураббийлар эдилар. Мураббийсиз ҳунар ўрганиб бўлмайди, албатта. Халқимиз, уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўғалар, деб бежиз айтмаган. Менга нефть-газ соҳасининг асл билимдон ва жонкуярларидан Шониёз Бозоров, Хазбчи Дарчеев, Роман Вафинлар устозлик қилишган. Уларнинг ҳаммаси касбига, касбдошларига жонини беришга тайёр кишилар эдилар.

Бўрон Рўзиев сўзларини шунчалик самимий, дилдан айтардики, беихтиёр биз унинг ўз мураббийларидаги ажойиб инсоний хислатларни қалбига жо қилиб олгани ва ёшлар қалбига, онгига сингдира олишдек чин инсонийлик хислатига эга эканлигини англадик.

Бўрон Рўзиев билан узоқ суҳбатлашдик. У бизга иш бошлаганидан буён юзлаб нефть-газ қудуқларини пармалаб, ишга туширганини, Култоғ ва Ўртабулоқ конлари қудуқлари қурилишида иштирок этганини фахрланиб сўзлаб берди. Бу соҳанинг деярли барча участкаларидан унинг шогирдларини топса бўлади. У ким бўлишидан қатъи назар, одамларга фақат яхшилик қилишни бош мақсад қилиб олган фидойи кишидир.

М. ПАРПИХЎЖАЕВ,
Муборак шаҳри.

ОНА-ЮРТ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

ТАҚДИМОТ БЎЛИБ ЎТДИ

Журналист Сафар Остонов Атлантадан «Ўзбекистон овози» учун махсус хабар қилади

Американинг «Маррист маркус» меҳмонхонасида Ўзбекистон миллий олимпиа қўмитасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Олимпия қўмитамиз президенти С. Рўзиев меҳмонларни олимпия ўйинлари очилиши билан қутлаб, мусобақаларда уларга муваффақиятлар тилади.

Тантанада жаҳон бокс федерацияси президенти Анвар Чаудри, ХОҚ ижроқўми аъзоси Горон Такоч, Осиё олимпия кенгаши бош котиби жаноб Сингх, ХОҚ президенти маслаҳатчиси Артур Такоч ва ўнлаб чет мамлакатлар миллий олимпия қўмиталари, халқаро спорт федерациялари раҳбарлари қатнашди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев, республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Маҳситов иштирок этишди.

«Ялла» ансамбли тантанага алоҳида файз киритди. Айниқса, республика халқ артисти Ф. Зокиров ижросида «Мажнунтол» қўшиғи куйланганда меҳмонлар завқ билан рақсга тушишди. Америка, Германия, Япония, Корея, Қувайт, Россия, Тожикистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон вакиллари қўлни-қўлга бериб, рақс тушаётганларини кўриб, беихтиёр Кубертэннинг сўзлари ёдга тушади: «О, спорт, сен — тинчликсан!»

Энди олимпиада мусобақаларига келсак, тўғриси эркин курашчиларимиздан умидимиз катта эди. Тажрибали Руслан Хинчагов (82 кг) ва дунёга машҳур Арсен Фадзаев номининг ўзи унча-мунча полвонларни ҳаяжонлантиради. Бироқ омад бу номдор спортчилардан юз ўгирди. Арсен биринчи учрашувда эронлик Фолланни 3:2 ҳисобида енгди. Кейинги иккі беллашувда эса мағлубиятга учради. Арсен икки йил илгари катта спортни тарк этганди. Аммо олимпиадада яна гиламга қайтганди. Афсус...

Р. Хинчагов биринчи учрашувда туркиялик Остуркни 3:2 ҳисобида доғда қолдирди. Иккинчи ва учинчи беллашувларни бой берди. Дамир Захартдинов эса Украина, Қозоғистон вакилларини енгди — 5:3, 3:1. Канадалик Сисаурига 0:8 ҳисобида ютқазди. Дамир 3-ўрин учун курашиш ҳуқуқини берадиган яна бир беллашув ўтказади.

БУХГАЛТЕРНИНГ НОШУДЛИГИ

Солиқ тизимида нима гап?

ёки даромад солиғи бўйича нега шикоятлар кўп?

Фуқароларимиз ва ҳатто айрим корхона, ташкилотларнинг масъул ходимлари ва раҳбарлари солиқ инспекторига баъзан гайри қарайди. Ваҳоланки, кўпинча корхоналарда ишловчи ходимларнинг норозилиги сабаби уша корхонанинг бухгалтериясида, бухгалтерия ходимларининг ношудлигида яширинган бўлади.

Яқинда бир гуруҳ ходимлар шикоят хатига кўра, Давлат солиқ қўмитасининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш бошқармаси бош давлат солиқ инспектори Э. Давронов Сиргали тумани дезинфекция станциясида «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Қонунга риоя этилиши юзасидан текшириш ўтказди. Аниқланишича, станция бухгалтериясидаги тартибсизликлар ходимлар норозилигига сабаб бўлган. Ҳисобчиларнинг ношудлиги натижасида ишчи-хизматчилардан даромад солиғи нотўғри ушлаб қолинган. Корхона ва фуқаролар ўртасида тузилган меҳнат шартномалари шаклан ва мазмунан расмийлаштирилиши жиҳатидан амалдаги талабларга жавоб бермайди. Станция бошлиғи А. Аҳмаджонов ва бош ҳисобчи О. Саидхўжаеванинг эса парвойи фалак. Афтидан, қўл остидаги одамларнинг ташвишлари денгиз бўлиб оққанда ҳам уларнинг тўпиғига чиқмайди. Йўқса, уша ернинг ўзида қоникарли жавоб олишганда, хизматчилар юқори идорага шикоят қилишармиди?

Текширишда аниқланишича, корхона бухгалтерияси ходимлари ўтган йили станция ишчи ва хизматчиларидан олинадиган даромад солиғини ҳар ойда алоҳида ушлаб қолишган. Ваҳоланки, 1994 йилдан буён ўсиб борувчи ставкалар бўйича даромад солиғи ҳисоблаш усули амал қилмоқда. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартиришлар бўйича 1995 йил 10 мартда Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 21/28-сонли қўлланма хати чиққан. Корхона-ташкилотларнинг ҳисобчилари ундан фойдаланишлари лозим. Унга кўра, фуқаролардан ҳар ойда, бироқ, йил бошидан буён олган даромадларини жамлаб ва ундан ўтган ойларда тўланган солиқлар ҳамда солиқ солинмайдиган минимумлар йиғиндисини айириб ташлаган солиқ ундирилади.

Яъни, дезинфекция станцияси ишчи ва хизматчиларнинг 1995 йил давомидаги барча ойлик даромадларидан шу тартибда солиқ ҳисобланиши керак эди. Бу иш қилинмаган. О. Саидхўжаева буни билмаса ва ўз қўли остидаги ходимлардан амалдаги қонунчиликка мувофиқ ишлашни талаб қилмаса бош ҳисобчи бўлиб қандай ишлаб келмоқда?! Бу тартибсизлик натижасида 85 ходимнинг 9 нафаридан 15485 сўм кўп, 76 нафаридан 72695 сўм кам миқдорда даромад солиғи ушлаб қолинган. Энди кўп ушлаб қолинган пуллар қайтарилиши, кам ушланган ходимлардан яна солиқ ундирилиши керак. Қонун талаби шундай.

Текшириш якуни бўйича тегишли чоралар кўрилди. Туман дезинфекция станциясининг бухгалтерияси ҳужжатлари тартибга солинди. Ташкилотга жами 87784 сўм устама ҳисобланади. Корхона раҳбари, бош ҳисобчига Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига қатъий риоя этиш, амалдаги имтиёзларни тўғри қўллаш бўйича тавсиялар берилди. Туман солиқ инспекциясига бу ташкилотда солиқ тўловлари миқдорининг тўғри ҳисобланиши ва ундирилиши қатъий назорат остига олиш топширилди. Бироқ, бу тартибсизликнинг шу ташкилотда ёки бошқасида яна қайтарилмаслигига кафолат борми?

Ибодулла ЎСАРОВ,
республика Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати ходими.

Ямандан Омон қуролли кучлари чиқиб кетди

Омон давлати ва Яман орасида бир неча йиллардан бери давом этиб келаётган келишмовчиликлар барҳам топди.

Душанба куни Омон қуролли кучлари отрядлари Яманнинг ишғол қилиб турган шаҳарлари ва асосий стратегик тепаликларини ташлаб чиқиб кетди.

1992 йил битим тузилган бўлсада, Омон давлати ҳали Яманда ўз ҳукмронлик позициясини ишғол қилиб турганди. Эндиликда фақат иккала давлат чегараларидагина қуролли кучлар, яъни чегарачи соқчиларгина томонлар хавфсизлигини қўриқлаш учун қолишди.

Кашмирдаги қурбонлар

Душанба куни Ҳиндистоннинг шимолий қисмида, Кашмирдаги Синигал бозорида кучли портлаш рўй берди. Натижада икки киши ҳалок бўлди, 125 нафар киши эса тан жароҳати олди. Манбалардан маълум бўлишича, портлаш сабаблари мусулмонларнинг мустақиллик учун олиб бораётган курашларига алоқадордир.

«ЎЗДЭУАВТО»НИ ЖАҲОН ЭЪТИРОФ ЭТЯПТИ

ЎЗБЕКИСТОН-КОРЕЯ ҲАМКОРЛИГИДА ҚУРИЛГАН «ЎЗДЭУАВТО» ЗАВОДИ ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА КЕНГ ШАРҲЛАНМОҚДА

«Қиймати 658 миллион АҚШ долларига тенг бу улкан завод қурилишига ҳар икки томон — Ўзбекистон ва Жанубий Корея тенг ҳисса қўшди», — деб хабар қилади «Рейтер» агентлиги.

***

«Нью-Йорк таймс» газетаси эътироф этишича, «Завод нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда бунёд этилган ягона улкан автозаводдир».

***

«Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида ҳозирча иккита йирик автомобиль заводи қуриб ишга туширилди, — деб хабар қилади етакчи Россия матбуотларидан бири — «Финансовая известия». — Булар Елабуга (Татаристон)да ва Асакадаги (Ўзбекистон) автомобиль заводидир. Бугунги кунда «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси уч турдаги — «Дамас» ва «Тико», «Нексиа» моделидаги машиналарни ишлаб чиқара бошлади. Ҳозирча кичиклитражли «Тико» автомашинаси истиқболли, деб топилди.

Шубҳасиз, «Тико»нинг асосий харидори — Россия, Украина, Қозоғистон, шу жумладан Латвия, Литва ва Эстония давлатлари ҳисобланади», деб изоҳлайди газета.

***

Шакл-шамойилидан ўрта автомобиль классидаги «Нексиа» йиғув конвейеридан чиқаётган етти ўриндиқли «Дамас» микроавтобуси ҳамда кичиклитражли «Тико» ҳажми жиҳатидан Россия «ОКА»сидан бироз каттароқ, — деб ёзади «Труд» газетаси. — Янги қурилган заводнинг қурилиш муддати эса ҳайратланарли даражада тезкор. Ҳайбатли прессловчи корпус, таъмирлов-чилангарлик, бўяш цехларининг, шунингдек, охирги йиғув цехининг шундай қисқа, яъни уч йилда қуриб битказилганига ақл бовар қилмайди».

***

Янги ишлаб чиқариш корхонаси ўзининг энг замонавий асбоб-ускуналари билан жиҳозланишига кўра Жанубий Кореядаги Чангвон заводининг айнан нусхасига ўхшайди, — дея ҳикоя қилади «Сегодня» газетаси. — Салкам 60 фоиз операцияни роботлар уддалайди.

Шартномага мувофиқ, 51 фоиз акцияга «ДЭУ» корпорацияси, Ўзбекистон томонидан «Ўзавтосаноат» корпорацияси эса 49 фоиз акцияга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра «ЎзДЭУавто» заводи дастлабки беш йил муддат ичида барча турдаги тўлов солиқларидан озод қилинди, деб эътироф этади «Сегодня» газетаси.

Депутат минбари

«УЛКАН ҚУРИЛИШЛАР МАМЛАКАТИДА ЯШАЯПМИЗ»

— дейди Ўзбекистон темир йўллари давлат-акционерлик компанияси раиси, республика Олий Мажлиси депутати Нормат ЭРМЕТОВ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 5 йиллик тўйи нишонланадиган кунга роппа-роса бир ой қолди. Ушбу қутлуғ тантана арафасида барча соҳа кишилари сингари халқимизнинг ишончли вакиллари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари ҳам фаолиятлари давомида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилмоқдалар.

Республикамиз халқ хўжалигининг энг масъулиятли ва ҳал қилувчи бўғинларидан бири саналган транспорт тизимининг темир йўл соҳасига раҳбарлик қилиб келаётган халқ вакили, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компанияси раиси Нормат Эрметовни Қашқадарё вилоятининг Чироқчи ва Яккабоғ туманлари аҳолиси ўзларига муносиб номзод этиб топган эдилар. Мустақиллик тантаналари олдидан бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси муносабати билан Н. Э. ЭРМЕТОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Республикамиз ижтимоий-сиёсий турмушида катта ўрин эгаллайдиган истиқболнинг биринчи беш йиллиги тантаналари арафасида кўпроқ нималар ҳақида ўйлаяпсиз?

— Бугун «Мустақиллик бизга нима берди деб эмас, биз мустақилликка нима бердик», деб ўйлашимиз керак. Айни кунларда мен бевосита темир йўл кучи билан қурилиши тугалланай деб қолган Фарғонадаги «Чимён» санаторийси, экологик таҳлика минтақаси ҳисобланган Қорақалпоғистоннинг Хўжайли темир йўл бекатидаги улкан шифохона, Ленин йўли — Тўрткўл янги темир йўл линиясини ишга туширишва ниҳоят тармоғимизнинг Россия Федерациясидан қолган қарзини узиш сингари масалалар ҳақида ўйлаяпман. Зеро, темир йўлнинг мустақиллиги мамлакатимиз иқтисодиётида ниҳоятда салмоқли ўрин эгаллаши бугун ҳаммага аён.

— Ҳозир Қашқадарё вилоятида энг катта қурилиш «Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўл қурилиши қизғин бормоқда. Ушбу иншоотнинг тезроқ фойдаланишга топширилишида депутат сифатидаги фаолиятингиз нималардан иборат?

— Темир йўл тарихидаги улкан иншоот саналган ушбу йўл 2000 йилга бориб, Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятларини бир-бири билан боғлаши лозим. Янги йўл қурилиши мен раҳбарлик қилаётган компаниямизнинг бевосита таклифи билан республикамиз ҳукумати томонидан қабул қилинганлигини фахр билан таъкидлашни истардим. Қарши ва Сурхон аҳолисининг узоқ йиллардан буён ушалмай келаётган ана шу орзусини эътиборга олиб, республикамиз Президентининг шахсан саъй-ҳаракатлари туфайли қурилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Бу йўл ҳар иккала вилоят аҳолиси учун қўшимча ишчи ўринларини ташкил этишга, фойдали қазилма конларини ўзлаштириш ҳисобига вилоятлар иқтисодиётини юксалтиришга, пировардида эса халқ турмуш фаровонлигини яхшилашга имкон беради. Дарвоқе, қурилиш лойиҳасида унинг келгусида электрлаштирилиши кўзда тутилганки, бу ўлканинг экологик муҳитини мусаффо сақлашга хизмат қилади.

— Янглишмасам, сизнинг депутатлик дастурингизда Чироқчи ва Яккабоғ туманларида ҳам бир қатор темир йўл шохобчаларини барпо этиш кўзда тутилган эди.

— Чиндан ҳам сайлов арафасида Яккабоғ ва Чироқчи туманлари аҳолиси ва бу ердаги пахта тозалаш корхоналари жамоалари ҳудудида Яккабоғ билан Чироқчини боғловчи темир йўлга муҳтож эканликларини билдиришган эди. Ҳозирги кунда узунлиги 9 километрли ана шу йўл лойиҳаси тугалланиш арафасида. Дастлабки қурилиш ишларини ҳам бошлаб қўйганмиз. Бундан ташқари Китоб бекатида осма кўприк қурилиши поёнига етди.Китоб ва Яккабоғ темир йўл бекатларида янги шоҳбекат қуриш ва кенгайтириш, қайта таъмирлаш юзасидан ҳам талайгина ишлар олиб борилмоқда.

— Кейинги ярим йил ичида мамлакатимиз делегацияси таркибида қатор хорижий давлатларда бўлиб қайтдингиз. Хўш, ана шу сафарлар сизнинг депутатлик дастурингизга ўзгартиришлар киритмадими?

— Дарҳақиқат, бу йил Эрон, Туркманистон, Озарбойжон, Грузия, Қозоғистон сингари қатор давлатларда бўлишга тўғри келди. Биласизми, ана шу мамлакатлардан мен олган энг катта таассурот — республикамиз меҳнаткашларининг тинч, осойишта ва қолаверса фаровонроқ яшаётганликларини ҳис қилишим бўлди. Бу — юртбошимиз олиб бораётган сиёсат шарофатидир. Тармоғимизга келганда, биз йўловчиларга кўрсатилаётган хизмат маданиятини анча яхшилашимиз керакка ўхшайди.

— Нормат Эрметович! Айтингчи, ўз сайловчиларингиз билан охирги марта қачон учрашдингиз? Маҳаллий ҳокимият органлари фаолият кўрсатишингизда қандай ёрдам кўрсатмоқда?

— Сайловчиларим билан ёз ойининг бошларида учрашдим. Қарши, Яккабоғ, Китоб, Чироқчида маҳаллий аҳоли билан учрашув чоғида янада кўпроқ вазифалар олдимизда турганлигини ҳис қилдим. 30 нафарга яқин сайловчиларимнинг уйрўзғор, даволаниш, узоқ шаҳарларга бориб келиш, ишга жойлаштириш, даволаш масканларига юбориш сингари эҳтиёжлари билан боғлиқ юмушларни ҳал этишга тўғри келди. Энг муҳими, депутатлик фаолиятимни самарали олиб боришимда амалий ёрдам кўрсатган Қашқадарё вилояти ҳокимлигидан миннатдорман.

— Халқ вакилининг ишидаги энг жиддий омил — депутатлик сўровларининг қандай ҳал этилаётганлиги ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Шу йилнинг ўтган даври мобайнида сайловчиларимнинг таклиф ва истаклари ифода этилган бешта сўровни турли вазирлик ва идораларга юборишга тўғри келди. Шулардан иккитаси ижобий ҳал этилди. Қолганларининг жавобидан, очиғи, қониққаним йўқ.

Биласизми, кейинги пайтларда энг нуфузли вазирлик, уюшма ва концернлар, шунингдек қатор ташкилотларда депутатлик сўровларига эскича ёндашиш, бир хил қолипдаги жавобларни юбориш билан масъулиятдан қутулиш сингари ҳолатлар, онда-сонда бўлса-да, учраб турибди. Бугун биз жамиятимиз, янги қураётган давлатимиз учун ёт ҳисобланадиган ана шундай одатлардан қутулишимиз лозим. Ахир, ҳар бир депутат сўрови остида ўнлаб, юзлаб, баъзан минглаб кишиларнинг тақдири ётади-ку.

— Нормат оға, бугун сиз юз мингдан зиёд темир йўлчиларни бирлаштирган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясига бошчилик қиласиз. Айтингчи, депутатлик сизнинг ишингизга ва аксинча ишингиз депутатликка ҳалақит бермайдими?

— Йўқ, асло. Аксинча, ҳар иккала вазифани биргаликда ёнма-ён олиб бориш менга ниҳоятда катта куч ва мароқ бағишлайди. Юқорида таъкидлаганимдек, республикамиз темир йўл мустақиллигига ҳам эришиш ниятида барпо этилаётган янги йўлларнинг асосий қисми мен депутат этиб сайланган минтақа ҳиссасига тўғри келади. Бу ўринда «Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўли ва шу сингари катта-кичик иншоотларни назарда тутмоқдаман. Халқ вакили бўлишдек масъулият мени ана шу қурилишларнинг жадал олиб борилишини таъминлаш ва назорат қилиб туришда ўта жиддий масъулият юклайди. Шунинг учун ҳам бу ўлкага нафақат сайловчиларимни деб, балки ана шу қурилишлардаги ҳар бир ишнинг ечимини топиш учун қилинган чақириқларга лаббай деб шошиламан. Зотан, истиқлол йўлидан дадил бораётган юртингдаги улуғвор ишларга юртдошларинг қувонч ва ташвишларига дахлдор ва шерик бўлишдан ортиқ бахт йўқ бу дунёда.

— Августнинг биринчи якшанбасини анъанага мувофиқ темир йўлчилар куни сифатида нишонлайсизлар. Суҳбатимиз ниҳоясида ушбу касб байрами билан Сизни ва тармоқнинг кўпминг сонли вакилларини газетхонларимиз номидан муборакбод этамиз.

— Раҳмат.

Сувонқул РУСТАМОВ суҳбатлашди.

Янги замон одами

ОМБОР КОРХОНАГА АЙЛАНТИРИЛЯПТИ

Жарқўрғондаги «Турон» ҳиссадорлик савдо жамоаси раиси Норбой Абдиевнинг кайфияти яхши бўлмоғи учун кабинетидаги қўша-қўша телефонларнинг, бошқа кўнгилочар жиҳозлар — ҳаво совутгич, радио, телевизорнинг бир маромда ишлаб туриши камлик қилиб қолди.

Данғиллама омборлари бор. Омбор-ку, ҳувиллаб ётгани йўқ. Туз, шакар, совун, макарон бостириб қўйилган. Афғонистоннинг «Абдулмажид» фирмасига пиёз сотди. Эвазига фирмадан жамоа ўқув қуроллари харид қилди. Сотилган бир миллион 300 минг сўм пилланинг эвазига калиш, тикув машинаси, телевизор ва яна бошқа рўзғор буюмлари келтирилди. Лекин омборнинг ўргимчак ин қуриб ташлаган хоналари...

Абдиевнинг ҳамиша фойдаси тегадиган ҳамкор топишдан омади келадиган одам. Бу гал ҳам шундай бўлди. Жарқўрғон тўқимачилик фабрикасидан 50 та мато тўқийдиган дастгоҳни омбор шифтининг баландлиги ўн газ келадиган бўш хоналарига обкелиб ўрнатдилар. Ҳатто, калава тайёрлайдиган машиналарни ишлата бошладилар.

Шундай қилиб, омборхона корхонага айлантирилди. Элликта одам ишли бўлиб қолди.

Гулсара Саодатова бошлиқ тикув цехининг чевар қизлари эса диди баланд буюртмачиларнинг миннатдорчилигига сазовор бўлмоқдалар.

— Ишлаб чиқаришу савдо-сотиқдан келадиган даромадни тенглаштирамиз, — дейди Абдиев. — Иш йўқ деб ишлаб турган одамнинг қўлига патта тутқазадиган, штат қисқартирадиган раҳбар, кечирасизу...

Жамоа энди хорижни кўзлаяпти. Тегишли маҳкамадан патент оптилар.

— Эртага Тошкентга кетяпман. Мол қараб, — дейди раис муовини Маматқобил Авазов. — Бир ойдан сўнг эҳтимол Туркиягами, эҳтимол Лондонгами отланармиз. Қирққа кириб энди инглизчани ўрганишга ўтирмасак бўлмасов, дейман.

Нурли манзил кўзлаганларнинг нияти — холис ният, дейдилар. Холис ниятли одамларга Яратганнинг ўзи яхши одамларни йўлдош қилғусидир.

Олимжон УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ғалла мустақиллиги йўлида

ХИРМОН ТЎЛА ДОН

Навоий туманидаги Қодир Райимов номли жамоа хўжалигининг Ўктам Султонов бошлиқ бригадаси буғдойзорларига етиб келганимизда айни туш палласи эди. Бироқ ғаллазорларда меҳнат жўшқинлиги ҳукмрон. Учта ўрим комбайни бетўхтов ишламоқда. Ҳар дақиқани қизғанишади. Хўжалик бошқаруви раиси Одил Ражабов бизни пешқадам комбайнчилар билан таништирди.

— Бу киши Ражаббой Ҳолиқов бўладилар, — дея раис қорачадан келган, истараси иссиқ йигитни кўрсатди. — У мавсумда 100 гектар майдондаги ғаллани ўриб-янчиб бермоқчи.

Раис Шамси Файзиев, Ашур Иброҳимов сингари «Нива» капитанларини ҳам мавсум пешқадамлари сифатида таништирди. Шунингдек, донни, сомонни пешма-пеш қабул пункти ва омборларига ташиётган И. Арслонов, А. Пўлатов, Ш. Норқулов каби шавкатли механизаторларни ҳам бирма-бир таърифлади.

Ана шундай лафзи ҳалол дала дарғалари бор экан, хўжалик нафақат туманда, балки вилоятда биринчилардан бўлиб давлатга дон сотиш йиллик режасини уддалади. Эл хирмонига 487 тонна ўрнига 600 тоннадан ортиқ сара дон тўкилди. Ҳосилдорлик эса гектар бошига 40 центнерга етказилди. Ҳали хўжаликда ҳосили ўрилмаган ғаллазор бор. Хўжалик ғаллакорлари умумий хирмонни 1700 тоннага етказишмоқчи.

Дарвоқе, Навоий тумани ғаллакорлари вилоятда биринчи бўлиб режани уддаладилар. Ватан омборларига навоийликлар 10140 тонна дон топширдилар.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.





ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИ БАЙРАМИ

Сирдарё вилояти маркази — Гулистонда республика қишлоқ ёшлари ўртасида Ўзбекистон спартакиадаси ўтказилди. Бир неча кун давом этган бу мусобақа Мустақилликнинг беш йиллиги ҳамда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланди. Қишлоқ ёшларига катта қувонч бахш этган спорт анжуманининг бошланиши ўзига хос байрамга айланди. Мусобақада эса мамлакатимиз вилоятлари ва Қорақалпоғистондан келган спортчилар ўзаро куч синашдилар. Шаҳар ўйингоҳида вилоят терма жамоалари ўз мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишди. Айниқса, спортнинг фарғонача ва бухороча беллашув турлари, арқон тортиш, футбол, шахмат ва шашка баҳслари муросасиз курашга айланди. Спартакиада жойларда спортни оммавийлаштириш, қишлоқларда маҳоратли йигит-қизларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этди.

СУРАТЛАРДА: спартакиаданинг очилиши ва мусобақалардан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН олган суратлар.

«ЎРМОН ТАБИБ» САҲНАДА

БУХОРО. Садриддин Айний номли вилоят мусиқали драма ва комедия театри жамоаси Боборахим Омонов қаламига мансуб «Ўрмон табиб» асарини саҳналаштирди. Бош режиссёр А. Азимов бу спектаклда ёвузлик устидан эзгуликнинг устун келиши ғоясини ўзига хос талқин қилишга ҳаракат қилган. Томошабинлар янги саҳна асаридан мамнун бўлишмоқда.

Тақдир сўқмоқлари

МУҲАББАТ АЗОБИ

Улар шу бекатда ушанда ҳам дуч келишар, нигоҳлар тўқнашганда қиз атайин кузини олиб қочар, севги азобидан қон қақшаган Дилмуроднинг дилини ўтда ёқишга жазм қиларди. Кеча ораларидан қора мушук ўтди. Бир-бирларининг тезроқ кетишларини пойлашарди. Аммо... Севгининг гадоси бўлган йигит ҳам, ўз қадрини оширишга ҳаракат қилишга одатланган қиз ҳам жўрттага бекатда турарди. Йигит зимдан соҳибжамолига боқади: тахминлаганидек, у куз шамолидан зада бўлган ярпоққа ўхшамас, аксинча очилиб кетган. Чарос кўзлари, ғунча лабларида муҳаббат акси, кимнидир кутяпти чоғи—соатига тез-тез қараб қўяди. Бу ҳол йигит кўксини эзади, рашк ўти алангаланади.

Ана, қизнинг ёнига енгил машина келиб тўхтади. Қиз Дилмурод томонга атайлаб бир қаради-да, сунг... Ҳа, у пичоқсиз суйилди бугун. Секин қиз уқийдиган билим юрти томон юрди. Хаёллари тузондек тўзғиди: «Бекор қилдим, ҳамманинг гапига ишонмаслик керак, ғалварс! Ахир уни мактабданоқ севасан-ку?! Эсингдами, физика дарси. Ушанда Зебо берган жавоб хатини уқий олмай хуноб бўлгандинг. Бўлакланган хатни танаффусда бир-бирига улаганингда ҳам аниқ фикрга келолмадинг. Сўнг шу шаҳри азимда қиз розилигини айтганда ақлдан озишгача бординг-ку! Энди-чи? Шубҳаланяпсанми? Уринсиз!»

Дилмурод оқ халатли қизлар ичида Зебосини танилди. У эса йигитни пайқамади. Бир қизни имлаб, шуни Зебога беринг деб илтимос қилди. Конверт ичида суюкли шоири қаламига мансуб шеърдан бир бандини қоғозга кўчириб, остига Д. деб қўйганди:

У мендек севолмас сени ҳеч қачон.
Ҳеч қачон менингдек бўлолмас фидо.
Мен тутган гулларнинг атри бир жаҳон,
Мен берган юракда ўзга дард, нидо!

Улар иккинчи кун ҳам худди шу бекатда учрашишди. Нигоҳлар тўқнашди, ёноқлар ловулларди. Киприклар, лаблар пирпирарди: «Яшасин муҳаббат!..»

Орадан йиллар ўтди. Қиш кетидан баҳор келди, ёз бўлди. Дилмурод хаста қайнонасини кўриш учун шаҳарга отланди. Дам олиш куни бўлгани учунми, шаҳар бекатлари одамлар билан гавжум. Автобус ўша таниш бекатга келиб тўхтаганда Дилмуроднинг юраги бехос безовталангандек, дарди янгилангандек туюлди. Нигоҳи олдинги эшиқдан автобусга чиққан бир жувонга тушди. Жувоннинг эгнида атлас кўйлак, сочлари бошига ихчамгина турмакланган. У қўлидаги тўрхалтани ўриндиққа қўйиб, пешонасига тушган сочини тартибга соларкан, йигитга қарадию, бир зум қотиб қолди.

Улар яна шу бекатда — бугун яна учрашишди. Ўша талабалик, муҳаббат азобида кечган кунлар гўё такрорланаётгандек эди. Дилмурод ўша мулойим, таниш, шаҳло кўзлар олдида бир лаҳза довдираб қолди. Унинг лаблари унсиз шивирларди шу пайтда: «Бу ўша — биринчи муҳаббатим — оромим, эс-ҳушимни олган Зебом-ку! Нима деяпман, менинг Зебом эмас ҳозир. Нима бўлса ҳам тақдир бизни яна учраштирди. Ҳа, тоғ тоғ билан учрашмасакан, лекин одам... Ушанда мактабда ўқиганимизда ҳамма унга ҳавас қиларди. Мен унинг шайдоси, гадоси эканлигимни яхши биларди. Ҳа, Зебо ўша шаҳло кўзларингда мен биринчи ўз аксимни кўрганимга ишонардинг. Ширин туйғулар билан бир умрга яшамоқчийдим. Мана, бугун ногоҳ йўлиқдингу, дилимнинг ярасини тагин янгиладинг. Иккаламиз шаҳарга — ўқишга отланганимизда қанчалик қувонгандик. Бир-биримизни ер-кўкка ишонмасдик. Рашкимизни айтмасам ҳам булади. Ўқишни тугатдинг. Менга чақирув қоғози келди. Кутаман деб ишонтирдинг. Билмадим, сенга нима бўлди? Хизматдан қайтиб кўп изладим. Сураб-суриштирдим, турмушга чиқибсан. Кейин...»

Автобус шаҳарни ортда қолдирди. Зебо кўзини йигитдан олиб қочмоқчи бўлди, аммо азиз нарсасини йўқотиб қўймаслик учун нигоҳини яна ўша нуқтага жалб этди. Унинг мунгли кўзлари энди бор гапни очиқ-ойдин сўзлаётгандек эди: «Биламан, ўзимиз ўқиган мактабда ўқитувчи эмишсиз. Агар қишлоққа йўлим тушса сизни излайман. Ҳаё устунлик қилади, эрим бор, болалар... Бир лаҳза қўргим келадию, аммо илож йўқ. Ўзимни, ўгай отамни айблайман. Бир хаста кўнгилни овлаш учун муҳаббатимдан ажралганимни энди пайқадим. Кеч, жуда кеч! Мана, шукр рупарамдасиз. Туйиб-туйиб кўрмоқчиман. Лекин кўзларим бардош бермаяпти. Ўйларсиз, бевафосан деб. Қишлоқнинг ҳали ҳам ўзига хос қоида-қонунлари борки, ҳамма ҳам унга қарши чиқолмаскан. Отам раъйи мен учун қонун бўлди. Унинг юзини ерга қаратмаслигимни онам раҳматли васият қилганди. На илож, пешонам шўр экан. Эрим ҳам хаста, отам қазо қилди. Энди ҳимоясизман. Сизни кўрдиму ўзимни дадил тортдим шу тобда. Сочларингизда оқ толалар кўряпман. Иқрорман, бунда менинг ҳам улушим бор. Ҳаммасининг жазосини тортяпман. Нима бўлганда ҳам мени кечиринг. Ҳа, ушанда дугонам орқали олган тўрт мисра шеър тақдиримни белгилаган бўлса ажаб эмас. Ҳали ҳам бу шеърни ўзим билан олиб юрибман. Ҳа, мени ҳеч ким сизчалик севолмаган, муҳаббат азобини менчалик тортмаган!»

Автобус шаҳар тепасидаги сиҳатгоҳ томон елиб борар, ҳамма ўз ташвиши билан банд. Фақат муҳаббат азоби чулғонган икки дил ўзаро дардлашарди. Зебонинг узун киприкларида ёш йилтиради. Ўзини беҳузур сезди. Буни кўрган кекса аёл:

— Ҳой, қизим, мана бу ерга ўтирсангизчи. Сизга нима бўлди, — деди ва қушиб қўйди. — Ёшларга ҳайронман, ҳозирданоқ юраклари хаста.

Зебонинг туйиб-туйиб йиғлагиси, «муҳаббатни асранг одамлар» деб бутун оламга хитоб қилгиси, кунглидаги барча ғуборни тукиб, ўзини Дилмуроднинг бағрига отгиси келарди. Аммо...

Даврон БАҲРОНОВ.

ҚУРУҚ ҚОШИҚ... ҚИСМАТИ

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан. Ер юзининг устида, осмон қопқоғининг остида, ўтмишдамас, шу кунда пойтахти азим Тошкентда минглаб фирмалар қатори бир фирма мавжуд экан. «Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» деган нақлга амал қилган бу фирма республика Геология жамияти бағрида туғилибди. Негаки, бутун фаолияти замин бойликларини халқ хизматига сафарбар этиш ишига қаратилган олимлар ўзаро фикр алмашиш, соҳадаги мураккаб ечимларга биргаликда жавоб излаш учун жамият ишини юритишлари керак экан-да. Энди шу жамият ишлари юришиб туриши учун фирма тузиш, ундан тушган сармояни соҳадаги илмий салоҳиятни оширишга қаратиш мўлжал қилинибди. Кўплаб эзгу орзу-ниятларни ўз Низомига битган бу ташкилот 1995 йилнинг 20 мартидан амал қила бошлабди.

Хўш, фирма иш бошлаши учун нима керак? Иштиёқ бор, танланган йўл бору... пул йўқ экан. Фирма бухгалтери Шукур Ориповни маслаҳатга чорлашибди. «Отахон, пулни қаердан оламиз?» дейишибди. Бухгалтер эса «Буёғини ўйламабмиз-ку!» деб ҳайрон бўлибди. Ўйлаб-ўйлаб пул топиш учун шундай чора излашибди: фирма Низомига «миллий ва Европа таомларини тайёрлайдиган овқатланиш объектлари, тижорат дўконлари ташкил қилиш» деган қўшимчани киритишибди. Ҳа, нима бўпти, эзгу мақсад йўлида тижорат ҳам керак-ку, деб айтишибди. Бу режалар ичида кичик нон заводи очиш, тикув, қандолат цехлари, автосервис хизмати, дорихоналар ташкил қилиш каби оламжаҳон юмушлар ҳам бор экану, лекин уларни бирданига йўлга қўйиб бўлмас экан. Шу ишлар ичида энг тез даромад берадигани қайси? Миллий таомлар тайёрлаш, деган хулосага боришибди. Шундай қилиб Юнусобод томондан Тошкент автомобиль йўллари институти сиҳатгоҳи ошхонасига туташ жойда айвонли кабобхона очишга аҳд қилишибди. Кабобпаз ишга шай, сихлар тайёрлаб қўйилган. Фақат гўшт бўлса бас дейсизми? Йўқ, унга шошмай туринг, тегишли идоралар сизга рухсат бермагунча гўштингиз ҳидланиб қолмасин.

«Қонун барчага баробар» дейишибди фирмачилар. Бухгалтер ҳаётнинг кўп пасту баландини кўрган, тажрибали одам экан — барча елиб-югуришни ўз зиммасига олибди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги корхоналарни рўйхатга ва савдо тармоқларини ҳисобга олиш бошқармаси Юнусобод бўлими бошлиғи Лутфулла Саъдуллаевга расмий мурожаат қилишибди. Яъни, ишлаб турган ошхонада битта кабобхона очиш учун қанақа ҳужжатлар керак, деган маънода. Л. Саъдуллаев ҳам оппоқ қоғозга аниқ-тиниқ 7 банддан иборат ҳужжатлар кераклигини ёзиб берибди. Бу жавобни ўзига дастур қилиб олган бухгалтер белни маҳкам боғлаб Тошкентдаги турли-туман идораларга бирма-бир бош суқа бошлабди. Аввало ДАНдан рухсат олиш керак, деб шу идорага борибди. Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси давлат автомобиль назорати йўл назорати бўлими бошлиғи «келишилган» деб қўл қўйибди, унинг ўринбосари ҳам жимжимадор имзо чекибди, муҳр босилибди. Фирмачилар учун бу қоғоз ниҳоятда қадрли экан. Чунки Л. Саъдуллаев «Агар ўша жой яқинига автомашина тўхташини ман этувчи белги ўрнатилмаса кабобхона очилмайди» деган гапни айтган, буям етмагандай бу ҳақда Юнусобод туман ДАНига хат юборган экан (ҳолбуки, бундай ишлар шаҳар ДАН ихтиёрида бўлган).

Энди навбат маъмурий биноларни рўйхатга олиш бошқармасидан ҳужжат олишга келибди. Оддий айвон остига жойлашадиган кабобхонанинг маъмурий биноларга нима даҳли бор дейсизми? Ахир Л. Саъдуллаев бўлгилаб берган рўйхатда бу ташкилот ҳам бор-да. Бу иш анчайин осон битибди.

Лекин банк идораларида қизиқ машмашалар кутиб турган экан. Бу масканда «Инкассация» бирлашмаси директори ўринбосари Ҳ. Носиров пулингиз озми-кўпми, барибир биз билан шартнома тузишингиз шарт деб туриб олибди. Бухгалтернинг жаҳли чиқибди. Шунда бошқа банкдаги ходим бухгалтерга йўл кўрсатибди. Кабобхонадан бир кунлик тушум дастлаб 100-150 сўм бўлар, кейинроқ 250 сўмга етар, лекин шу арзимас пул учун инкассатор овора бўладими, агар шу рақамларни кўрсатиб мурожаат қилсангиз ўзлари шартномадан воз кечишади, дебди. Худди шундай йўл тутилгач, Ҳ. Носиров «Яқин жойда жойлашган жамғарма банки кассаларига топшириш мумкин» деб ёзиб борибди.

Касса аппарати масаласига келганда бош оғриғи баттар авжига чиқибди. Битта аппаратнинг баҳоси 24 минг сўм экан. Устига 6 минг сўм беришса, калитларини ишлайдиган қилиб беришармиш. Юнусобод туман давлат солиқ назорати идорасига республика ҳукумат комиссиясининг 1995 йил 12 июнда чиқарган баённомасида йиллик товар оборoти 5 минг АҚШ долларидан кам бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари назорат касса аппаратлари ўрнатишдан озод этилганликларини назарда тутиб рухсат сўраб мурожаат қилишибди. Идора бошлиғи Р. Муҳитдинов фирманинг хатини қабул қилмабди. Бухгалтер қаерга бориши мумкинлигини сўрабди, бошлиқ ўринбосари ўз раҳбари билан келишиб туман ҳокимлигини кўрсатибди. Туман ҳокимлигининг савдо бўлимига борса, бу масала солиқ идорасига тегишли дейишибди. Ўртада сарсон қолган фирма вакили туман ҳокими Т. Маҳаматовга мурожаат қилибди. У киши бу хатни ўз ўринбосари А. Расуловга, ўринбосари эса яна туман давлат солиқ назорати бошлиғи Р. Муҳитдиновга ҳавола қилибди.Р. Муҳитдинов имзо чеккан жавобда айтилишича, ҳукумат комиссиясининг баённомасида кабоб тайёрлаб сотиш шохобчалари кўрсатилмаганини, шу боис «Геофан» фирмаси кабобхонасига давлат реестрида кўрсатилган назорат касса машинасини ўрнатиб, аҳоли билан нақд пул муомаласини фақат НКМ орқали ўтказиши шарт экан. Гап тамом—вассалом!

Фирмадагилар шу билан тинчиб қўя қолишлари мумкин эди. Лекин бу орада ойлик товар оборoти 20 минг сўмдан кам бўлган **барча савдо объектларида** касса аппарати ишлатилмаслиги мумкинлиги тўғрисидаги ҳужжат чиқиб қолибди. Дарҳол уни олиб Р. Муҳитдиновга боришибди. Туман солиқ идораси бу хатни эътиборсиз қолдирибди. Фирмачилар Тошкент шаҳар давлат солиқ назорати бошқармаси бошлиғи П. Имомқулиевга арз қилишди. П. Имомқулиев ҳозиржавоблик билан Р. Муҳитдиновга кабобхонада 3 ой муддатга, назорат касса машинаси ўрнатмасдан хўрандалар билан ўзаро ҳисоб-китобни қатъий ҳисоб варағи асосида олиб боришга рухсат беришни сўрабди.

Юқори турувчи идоранинг бу хатига Р. Муҳитдинов қандай муносабатда бўлибди дейсизми? У киши хатнинг тепа қисмига «Маълумот учун» деб имзо чекибди. «Бу нима деганингиз?» деган саволга «Менга кабобпазни чақиринг, ўзим тушунтираман» деб жавоб қилибди. Ҳужжат ҳаракатга тушмагач яна туман ҳокимини безовта қилишга тўғри келибди. Ниҳоят ҳоким «Ўртоқ П. А. Имомқулиев хатига асосан 3 ойга аппаратсиз ишлашга рухсат этинг» деб топшириқ берибди. Гўё Р. Муҳитдинов Тошкент шаҳар давлат солиқ назорати бошлиғининг хатини тушунмагану, уни туман ҳокими таржима қилиб бергандай бўлибди. Шундай қилиб Р. Муҳитдинов фирма раҳбарига ушбу хат олинган кундан бошлаб 3 ой муддатга назорат касса машинаси ўрнатмасдан фаолият кўрсатишга рухсат берилганлигини хабар қилибди.

Алқисса, белгиланган еттита ҳужжатдан олтитаси тайёр бўлибди. Савдо ҳуқуқини берадиган тўлов варақасини расмийлаштириш қолибди. Бу унча қийин эмас: 500 сўм пул тўланиб савдо бўлимидаги Нодир исмли йигитга ҳужжатлар топширилибди. «Хайрият, барча оворагарчиликлар ортда қолди» деб енгил нафас олишибди. Бир ҳафта ўтгач бу ерга қўнғироқ қилиб билишибдики, ҳамма қоғоз корхоналарини рўйхатга ва савдо тармоқларини ҳисобга олиш бошқармасига юборилган экан. Яна ўн кун ўтгач рухсат олиш учун келишса, ҳужжатлар ҳамон Л. Саъдуллаев бошқараётган бўлимда ҳаракатсиз ётган экан. Л. Саъдуллаев эса кабобхона очилишига кўча хавфсизлиги шароити тўғри келмаслигини айтибди. Ахир ДАН рухсати бор-ку, дейишса у оддий рухсат эди, қачон тўла кафолатли рухсат берилса ўшанда «масала қайта кўриб чиқилади» дейишибди. Буниси кам экан, туман санитария эпидемиология станцияси «Геофан» фирмасига қарашли Тошкент автомобиль йўллари институти сиҳатгоҳига қарашли миллий таомлар тайёрлаш павильони санитария талаб қоидаларига жавоб бермайди», деган ҳулосани ҳокимликка юборибди, ҳоким ўринбосари К. Муродов эса тезда унинг хулосасини фирмага йўллабди. Бу «суюнчи»дан фирмадагилар ҳангу манг бўлиб қолишибди. Биринчидан, улар ҳаракат қилаётган жой «миллий таомлар тайёрлаш павильони» эмас, оддий кабобхона эди. Иккинчидан, Юнусобод туман СЭС бош врачи Б. Аҳмадхўжаев ўтган йилнинг июль ойида рухсат берганди-ку. Шуни ҳисобга олиб бу идорага мурожаат қилишмаган экан. Маълум бўлишича, бу орада туман СЭС раҳбари алмашган экан. Фирма янги бош врач А. Абдуқодировга мурожаат қилибди. А. Абдуқодиров кабобхона кўча юзида бўлганлиги учун замонавий лойиҳа асосида қурилиши кераклиги, айниқса, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нишонланадиган йилда майда-чуйда кабобхоналар тўғри келмаслигини тушунтирибди. Учинчи марта келишганида алоҳида хона қуриш, унда учта ванна бўлиши лозимлигини уқтирибди. «Тақсир, идорангизнинг олдида кабобхона ишлаб турибди, унинг бир дона шлангидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ-ку?!» дейишса, «Бу кабоблар уй шароитида тайёрланади» деб мот қилибди. Тавба, кабобхона шу ердаги аввалдан мавжуд ошхона билан ҳамкорликда шартнома асосида ишласа, унга яна замонавий лойиҳаю, қўшимча ваннахоналар қуриш шартмикин?!

Фирма бухгалтери бу ишларнинг кетидан югуравериб чарчабди. Шунча ҳаракат билан иш битмаганлиги эмас, яна бошқа кўп нарсалар алам қилибди. Тавба, нега мутасаддилар ҳузурига келган мижозни бунчалар совуқ қабул қилишади. Бирор мулоҳаза айтилса, «Мен билмайман, юқорининг талаби бу» деб гапни қисқа қилишади. Қонун устуворлиги — давр талаби. Лекин ўз лавозимига муносиб амалдор хатто рад жавоб берганда ҳам ҳузурига келган одамга тушунтириб бериши мумкин-ку. Кўрс муомалалардан юраги безиллаган отахон яна бир нарсадан ажабланибди. Нега баъзи раҳбарлар қўл остидаги ходимларининг ҳато-камчиликларини кўра-била туриб улардан талаб қилиш ўрнига сукут сақлашни афзал кўришади. Ахир «Геофан» фирмаси вакили Ш. Орипов Юнусобод тумани ҳокимидан аниқ-тиниқ қилиб учта нарса илтимос қилганди: «1 Шаҳар давлат солиқ назорати хатига асосан рухсат беришсин. 2. Фуқароларнинг мурожаатига жавоб қилмай сарсон қилганларга чора кўрсангиз. 3. Тушган хатларни рўйхатдан ўтказиб қўйишга амал қилишсин». Ҳоким хатнинг биринчи бандига жавоб берибди, холос. Аслида Ш. Орипов кўпгина тўралар учун хос камчилик ҳақида бонг урмаяптими?! Ҳузурига келган фуқароларнинг дилини сиёҳ қилиб юораётган амалдорлар халқни фақат ўзларидан норози қилишяптимикан?

Бу ҳангомаларни эшитган ишга моҳир бир йигит «Эй, буларнинг ҳаммаси нари борса уч кунлик иш, сиз фақат йўлини билмагансиз» дебди. Наҳотки шундай бўлса?

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

Таъмагирлик — офат

Дил изҳори

СОҒИНЧЛИ СЎЗ

Ҳайдар аканинг сиғинган қиёсаси бор. Эрта-кеч унутмади уни. Ўшанга суяниб яшади. Бу Ҳайдар Исломовга баъзида қувват, баъзида масъулият улашди.

«Мен одамлар билан ишлайман».

Ана шу фалсафанинг ошноси эди у. Тўғриси, ҳаммаям айтади буни. Лекин Ҳ. Исломовнинг айтгани бошқа. Унинг тилидагимас, дилидаги, иш услубидаги қўлланмаодамлар билан ишлаш.

— Умримнинг 30 йилдан ошиқроғини адолат тарозисини маҳкам ушлаб, ҳақни ноҳақдан ажратишга, қонунчиликни мустаҳкамлашга сарфладим.

Ҳозирда Самарқанд вилояти прокуратураси ветерани ҳисобланмиш Ҳайдар ака Исломов ўзи ҳақида шундай қисқа гапиради-ю, лекин у юртда қонун ва ҳуқуқ-тартиботни ўрнатишга анча меҳнати сингган инсон.

Тарих зарварақларидан маълумки, Самарқанд вилоят прокуратураси 1938 йил 7 апрелда ташкил топган. Давр нуқтаи-назаридан келиб чиқиб, ўша пайтда прокуратура таркиби уч бўлимдан иборат бўлган. Унда махсус ишлар ва милиция органларини назорат қилиш, тергов ва қамоқхоналарни назорат қилиш, судлар устидан назорат қилиш бўлимларигина очилганди.

Қонунчиликни мустаҳкамлаш, энди-энди қад ростлаётган прокуратура органлари сафини малакали кадрлар билан тўлдириш масаласи анча қийин аҳволда эди. Айниқса, маҳаллий аҳолидан ҳуқуқшунослар тайёрлаш жуда зарур эди. Ана шундай даврда Ҳайдар Исломов янги куч, ғайрат билан иш бошлади.

— Менинг қонуншунос сифатидаги фаолиятим ўзимизнинг миллий кадрлар у ёқ бу ёқда кўзга ташланаётган пайтларга тўғри келган. Лекин жуда қаттиқ ишлардик. На кеча, на кундуз деган гап йўқ эди...

Ҳайдар ака буни ҳасрат билан айтгандай туюлди. Шу сабабдан унинг кўзларига термулдим.

— Одамзод ўз касбининг қули бўлмоғи керак. Ўшанда у ишлайди, ишлайверади. Бундан завқланади. Айниқса, бизнинг соҳада...

Ўйланиб қолади киши. 60 ёшли ҳуқуқшуноснинг меҳнатдан роҳатланиши биз ёшларни ўйлантиради. Бугун шогирдлари, касбдошлари, устозлари, фарзандлари қуршовидаги инсоннинг фалсафаси янада ўйлантиради.

«Мен одамлар билан ишладим!»

Бу соғинчли, қудратли сўз, эди.

Қурбон АЛИ,
Фазилат СОАТОВА.

ОЛИМПИАДА ОДИМЛАРИ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Эфиопиялик Хатур Марова 42 километр, 195 метрга марафонча югуриб, икки соат 26 минут беш секундлик натижа билан олимпиада чемпиони бўлди. Юртдошимиз Роман Полтарацкий диск улоқтиришда (51,96 сантиметр) 37-натижа кўрсатди.

ОҒИР АТЛЕТИКА. Украиналик Темур Таймазов 236 килограммлик натижа билан жаҳон рекордини ўрнатиб, икки кураш бўйича (430 кг.) олтин медаль олди. Ундан 10 кг.га ортда қолган россиялик Сергей Сирцовга кумуш медаль насиб этди. Вакилимиз Валентин Манушев 317 килограммлик натижа билан 16 -бўлди. Унинг командадоши Александр Ўринов (365 кг.) 13-ўринни олди.

БОКС. Олимпиада мусобақалари Ўзбекистонда ўзига хос бокс мактаби борлигини кўрсатди. Вакилларимизнинг совринли ўринларга даъвогарлик қилишгани шундан нишона. Улар ном чиқарган Куба, АҚШ, Россия чарм қўлқоп усталари билан тенг курашишга имкон топдилар. Етти спортчимиздан беш нафарини чорак финалга чиққани ҳам бежиз эмас. Зеро, финалга чиқиш осонмаслиги ҳаммага аён. Наримон Отаев пуэрто-риколик Даниел Сантосга имкониятни бой бериб, ярим финалга чиқолмай қолди. Дилшод Ёрбеков билан АҚШ боксчиси Рошал Верса ўртасидаги учрашув энг қизиқарли ва хаяжонли баҳсга айланди. Дилшод биринчи раундда рақибига йўл берди. Иккинчи раундда эса ташаббусни қўлга олиб, астойдил жанг қилди. Учинчи раунд якунланиш олдидан 8:7 ҳисобида ютиб турган боксчимиз битта зарб олгач, ҳисоб тенглашди. Ҳакамлар эса ғалабани майдон эгасига беришни лозим топишди.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

ЎЗАРО ФИКР АЛМАШИЛДИ

• БОНН. Франция пойтахти Парижда етти ривожланган давлатнинг террорчиликка қарши кураш муаммоларига бағишланган йиғилиши арафасида Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков ва ГФР ташқи ишлар вазири Клаус Кинкел учрашиб, икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашиб оладилар.

Франция ахборот маҳкамаларининг хабар беришича, мазкур учрашувда Иккинчи жаҳон урушидан кейин собиқ Совет Иттифоқи мулкига айлантирилган бир қанча маданий ёдгорликларни ўз эгасига — Германияга қайтариш, Чеченистондаги вазият, Европада хавфсизликни таъминлаш ва НАТОнинг Шарқий Европа давлатлари ҳисобига кенгайиши масалалари муҳокама қилинади.

ҚОНУНИЙ ҲУКУМАТ ТИКЛАНИШИГА ИШОНЧ

• ПАРИЖ. Аввал хабар қилинганидек, Бурундида ҳарбийлар ҳокимиятни қўлга киритиб, мамлакатнинг қонуний Президенти Сильвестр Нтибантунганяни лавозимидан четлаштирган эди. Лекин Сильвестр Нтибантунганя Франция радиоси мухбири билан суҳбатда, ҳали ҳам ўзини давлат раҳбари деб ҳисоблашини билдирди.

«Ҳарбийлар уюштирган давлат тўнтариши, — деди у, жумладан, — қонунга хилоф ҳаракатдир. Бу тажовузкорликдан ўзга нарса эмас. У тез орада Бурундида қонуний ҳукумат тикланишига ишонч билдирди. Шунингдек, Президент, ҳозирда АҚШ элчихонасида яшаб турганини сиёсий бошпана сўраш эмас, ўзига хос ташриф, деб изоҳлади.

НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ КУЧАЙМОҚДА

• ВЛАДИВОСТОК. Бир неча ойдан буён маош олмаётган приморсклик кончиларнинг беш минг кишилик норозилик намойишига яна уч минг киши қўшилди. Кончилар маҳаллий касаба уюшмаси раиси Петр Кирясовнинг таъкидлашича, ишчиларнинг бу ҳаракати иш ташлаш эмас, балки очликдан силла қуриши натижасида юзага келган жисмоний яроқсизликдир.

Кўмир кони ишчилари мана олти ойдирки маошсиз кун кечирмоқдалар. Шу кунгача давлатнинг «Приморскуголь» ҳиссадорлик жамияти ишчиларидан қарзи 120 миллиард рублдан ошиб кетган.

СИНОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

• ПЕКИН. Яқинда Индонезия Пойтахти Жакартада бўлиб ўтган АСЕАН давлатлари йиғилишида ХХР ташқи ишлар вазири Хитой ҳукумати яқинда имзоланиши кутилаётган ядро қуроли синовларини тўхтатиш ҳақидаги шартномани имзолашдан аввал яна бир ядро синови ўтказади, дея баёнот берган эди.

29 июль куни ХХР мазкур ядро қуроли синовини ўтказди. Айни пайтда Хитой ҳукумати 30 июлдан бошлаб ядро қуроли синовлари ўтказиш тақиқланганини эълон қилди.

АРАФОТНИНГ ТАШРИФИ

• ҚОҲИРА. Фаластин автономияси раҳбари Ёсир Арафот расмий ташриф билан Саудия Арабистонига келди. У қирол Абул Фаҳд билан учрашиб Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнини, хусусан, Исроил ташқи сиёсатидаги ўзгаришлардан кейинги аҳволни муҳокама қилди.

Ахборот маҳкамаларининг хабар беришича, музокараларда Қуддус муаммоси ва Фаластин автономиясининг иқтисодий аҳволи ҳам кўриб чиқилган. Расмий маълумотларга кўра, Саудия Арабистони шу кунгача Фаластин автономиясига 400 миллион АҚШ доллари миқдорида молиявий кўмак берган.

ҲАВО ЙЎЛИ ОЧИЛМОҚДА

• ТБИЛИСИ. Грузия ва Туркия давлатлари ўртасида ҳаво йўли очилмоқда: 1 август куни турк самолёти Истанбул — Тбилиси — Истанбул рейси бўйича ҳаво транспорти алоқасини бошлайди.

Тбилисидаги «Туркиш эйрлайнз» компанияси вакилларининг таъкидлашича, турк компанияси самолётларининг Тбилисига сафари ҳафтада икки марта амалга оширилади.

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА...

• **ПЕКИН.** Аввал Хитойдаги табиий офат ҳақида хабар қилган эдик, мана энди «Глория» тўфони Филиппин устида. «Глория» тўфонида 38 га яқин киши ҳаётдан кўз юмди, 35 фуқаро оғир шикастланди ва 16 киши бедарак йўқолди.

Табиий офат натижасида мамлакатнинг транспорт йўллари, алоқа тармоқлари ва бошқа муҳим объектлар ишдан чиқди. Аҳолининг катта қисми бошпанасиз қолди.

***

• **ХАБАРОВСК.** Ўтган шанба куни Хитой фуқаролари Россия-Хитой чегара қонунини бузди. Чегарачилар қаршилигига учраган бузғунчиларнинг бири отишмада ҳалок бўлди.

Маълум бўлишича, Петров оқимида 4 қайиқда сузиб келаётган 12 Хитой фуқароси Россия чегарачиларида шубҳа уйғотган. Улар чегара посбонларининг тўхташ ҳақидаги буйруқларига бўйин эгмаганлари туфайли отишма юз берган. Сўнгра бузғунчилар қайтиб кетишга мажбур бўлган.

***

• **УЛАН-БАТОР.** Мўғулистон халқ инқилоби партиясининг бош секретари 38 ёшли Намбарин Энхбаяр 29 июль куни мамлакат Президенти этиб сайланди.

Мазкур партия сўнгги 75 йил давомида давлатни бошқариш ҳуқуқини биринчи бор қўлга киритиши.

Машҳурлар ҳақидаги шов-шувлар

РЭМБО ҚЎЛ СИЛТАДИ

Дунёга машҳур киноактёрлар ҳақида турли шов-шувлар юради. Баъзида-уларнинг ҳаёти хавф остида қолган вазиятлар ҳам бўлади. Сильвестр Сталлонени жаҳон кино ихлосмандлари яхши билади. Айниқса, актёрнинг саргузашт фильмларда яратган Рэмбоси уни машҳур қилиб юборганди. Актёр кўплаб саргузашт, баъзида олди-қочди, қўрқинчли киноасарларда турли хил образлар яратган.

Сильвестрни бизда ҳам жуда яхши билишади. Айниқса, ўсмирлар ичида актёрнинг мавқеи зўр. Тунгги сеанслар, у иштирок этган картиналар эвазига қизиқ. Актёрни нафақат кино ишқибозлари, балки жиноятчи тўдалар-у, террорчи, мафия билан алоқадор «ихлосмандлар» ҳам кузатади.

Актёр кўпинча бундай воқеа-ҳодисаларга аҳамият бермаслигини айтади. Лекин инсон бардошининг чегараси бор.

— Калифорния мен учун азиз юрт. Ундан айрилиш оғир. Ачинаман, юртим ўз борлиғини кўз олдимда йўқотди гўё. Шафқатсиз жиноятчилик акс этган фильмда суратга тушаётгандек, тушгандаям бир умр, яъни шу даҳшат ичида яшаётгандекман. Англияда яшамоқчиман...

Сильвестр Сталлоне ҳаётда иродали, жиддий инсон. Бу ҳақда ўзи ҳам кўп гапиради. Айнан шундай қатъиятли, довюрак, адолат, ҳақсизликка қарши исёнкор образлар яратади. Инсон борки, доимо машҳурлик «юки» остида яшашдан хорийди. Сиз билан биздек оддийгина, осуда турмушни қўмсаб қолади кўнгли.

Актёрни Калифорниядан бездирган, барчасига қўл силташга мажбур этган — у ердаги нотинчлик. Осуда ҳаёт тарзига интилишдир. Сильвестр қаерда яшамасин ҳали кино мухлисларига кўплаб янги «Рэмбо»ларни тақдим этади. Бунга унинг кучли иродаси кафил.

САИДА.

Шунақасиям бўлади

ХЎРОЗГА ҚИЧҚИРИШНИ ТАҚИҚЛАШДИ

Асторга. Ажабланманг, бунинг сабаби бор. Шаҳар судьяси Сантьяго Эспейджо Рамон лақабли хўрозга қичқиришни қатъиян тақиқлаб қўйди.

Рамон асли ясама хўроз. Чарчаш нималигини билмайди. У эрта-ю кеч қичқиравериб қўни-қўшниларнинг ғашига тега бошлади. Жонлари ҳалқумига келган қўшнилар судьяга шикоят қилишди. Рамоннинг тумшуғи тунгги соатларда боғлаб қўйиладиган бўлди.

— Шунақа бўлди. Ҳар туни тумшуғини боғлайман, — дейди Рамоннинг хўжаси 36 яшарлик Эрнесто Клементе. — Эрталаб соат 9 дан кейингина у қичқириши мумкин...

Қизиқ, хўроз қичқирмаса тонг отмайди дейишарди. Лекин хўроз қичқирмаса кун ўтмайдиган юртлар ҳам бор экан-да!

ОНГДАН ТАШҚАРИДАГИ КУЧ

Дунё статистика маълумотларига назар солсангиз, бир йилда ер юзида қирқ миллионгача одамлар очликдан, минглаб инсонлар қонли урушлар ва мингларчаси эса даҳшатли воқеалар туфайли ҳалок бўлмоқда.

Бош мия шари икки, яъни ўнг ва чап қисмлардан иборат. Тиббиёт миянинг чап қисмини етарлича тадқиқ қилди. Аммо, ўнг ярим шарга келганда эса озгина оқсаб қоляпти. Деярли ўрганилгани йўқ, десак ҳам ҳеч муболаға бўлмайди.

Туғма ёки бахтсиз тасодиф туфайли бош мия функцияси бузилган одамларни ақли заифлар қаторига киритамиз. Инсонларнинг эса ақли ожизлар устидан кулишига ҳаққи йўқ. Шу кунда эса керагидан ортиқ даражада кулишмоқда.

Донишмандларнинг сўзи бўйича ақли ожизлар ҳам ўз навбатида ақли соғларнинг устидан мазах қилишар экан, яъни улар ақли бутунларни жинни деб ўйлашар экан.

Ажаб дунё

Мулоҳаза юритсангиз, ана шу гапда ҳам жон борга ўхшаб кўринади, чунки бутун дунёдаги ақли заифлар орасида миллионлаб инсонлар очликдан ўлаётгани ёҳуд улар ақли ожизлик қилиб бирбировини ғажиб ташлаётгани йўқ. Оламдаги барча хунук, одамзотга хос бўлмаган даҳшатли воқеаларнинг ҳаммаси бош миянинг тузилиши, функцияси етарли даражада ўрганилмаганига бориб тақалади.

Аслида, ақл бовар қилмайдиган даражадаги қабиҳ ишларни содир этаётган инсонларда ҳам унчалик айб бўлмайди. Чунки инсон бош миясининг чап ярим шарига яқин елкада, яъни чап елкаси ташқи оламнинг қабиҳ кучлари билан ўраб олинган бўлади. Даҳшатли воқеа содир этаётган бандаи-ожиз эса мана шу қабиҳ кучларнинг буйруғини бажарар экан.

Бу қабиҳ кучлар одамзот онгидан ташқари бўлган жуда қатта куч-қудратга эга. Шунинг учун ҳам ер аҳолиси бу кучлардан жуда қаттиқ азият чекмоқда экан.

Ҳар қандай азиятнинг ҳам чеки бўлади, албатта. Вақти келади — бош миянинг ўнг ярим қисми ҳам етарли даражада ўрганилади. Ана ўшанда инсон ўнг елкасида ўтирган латиф оламнинг латиф кучларини тушуниб етади, яъни инсон ёлғиз латиф кучларнинг буйруғини бажарадиган бўлади. Латиф кучлар етаклайдиган одам ҳеч қачон разил ишларга қодир бўлмайди.

Абдураҳмон ИБРОҲИМОВ.

Эҳтиром

ҲОРМАНГ, УСТОЗ!

Таҳририятимизнинг мажлислар залида бир қатор суратлар галереяси саф тортиб турибдики, улар ҳамиша бизнинг қандай анъаналар вориси эканлигимизни эслатиб тургандай. Булар газета ташкил этилган даврдан буён унга муҳаррирлик қилган неча-неча муътабар зотларнинг ёрқин сиймолари булиб, гўё уларнинг ҳар бири олис утмишдан туриб «Биз бошлаган ишларни муносиб давом эттираяпсизларми?» деб сўроққа тутгандай булади. Акмал Икромов, Шароф Рашидов, Абдулҳай Тожиев, Сиддиқ Ражабов сингари кўплаб машҳур кишилар суратлари бу даргоҳнинг қанчалик муътабар булганлигини таъкидлагандай туюлавeради.

СУРАТДА: Мақсуд Қориев (чапда) Нормурод Нарзуллаев, Комил Яшин, Сайёр ва Ўктам Усмоновлар билан.

Айни пайтда муҳаррирлик юкини кўтариш чекига тушган ўтмишдошлар, салафлар ичра юқоридаги саволни ғойибдан четдан эмас, балки кунда, кун аро ўз ташрифи билан олдимизга қуяётган бир табаррук инсон борки, у кишини жамоамиздан ташқарида тасаввур этолмаймиз. Гап газетага салкам чорак аср муҳаррирлик қилган, бугун ҳам ўзбек журналистикасининг олдинги марраларида келаётган ижодкор Мақсуд Қориев ҳақида кет-япти. Жамоамиз Мақсуд аканинг газета фаолиятига баҳо беришига шунчалик ўрганиб кетганки, бирор янгилик жорий этилгудек булса, беихтиёр «Устоз нима деркинлар?» деган савол олдимизда туради.

Бир қулда муҳаррирлик, бир қулда ёзувчилик қаламини тутиш осонми? Бу қанчалик мураккаб юмуш эканлигини, мана тўртинчи йилдирки, камина ўз танамда ҳис қилиб келяпман. Ўй-хаёлни газета ишини юритишга йўналтириш учун неча ойлаб «илҳом париси»ни хонага киритмасликка тўғри келади. Шу маънода ўзбек насрида ўз ўрнига эга Мақсуд Қориевнинг «Суғд ўғлони», «Ибн Сино» каби бақувват романлари етмиш ёш арафасида ёзилганлигини тушунгандай бўламан. Мақсуд ака бу ҳолни ўзгача талқин қиладилар: «Азалий қадриятларимизни қайта тиклаётган, буюк боболаримиздан маънавий мадад олишга чорлаётган истиқлол менга илҳом бахш этди», дейдилар.

Бу эътироф шунинг учун ҳам ҳаётий заминга эгаки, устоз ҳар кўришганимизда мустақиллик учун газета тинмай хизмат қилиши кераклигини дилда завқ билан таъкидлайдилар. Яқиндагина газетамиз саҳифасида «Бу дунёнинг жаннати» сарлавҳали публицистик мақолаларида ҳам «Энди ишлайдиган давр келди» дея ҳайқирдилар. Бу даъватни зиммасидаги бурчни аллақачон қойиллатиб бажариб қўйган инсон айтмоқда. 1968 йилда «Ойдин кечалар» лирик қиссаси билан оғизга тушган, «Жийда гуллаганда», «Ой тутилган кеча», «Қиз узатиб борганда», «Афросиёб гўзали», «Турналар баланд учади» каби неча минглаб мухлислар эътиборини тортган китоблар муаллифи, юзлаб шогирдлар устози бугунги кунда мустақиллик ғоясидан янгича қувват, янгича нафас олмоқда. Бу, айниқса, ҳаётга лоқайд қараётган ёшларга ибрат булиши керак.

Кеча Мақсуд ака яна таҳририятимизга ташриф буюрдилар. Асакадаги «ЎзДЭУ» автокорхонаси ҳақида берилган туркум мақолаларнинг изчиллигидан хурсандлигини айтдилар. Қисқа давр ичида Ўзбекистон қандай марраларни забт этганлигини халқимизга етказишимиз зарурлиги ҳақида фикр билдирдилар. Ҳамиша бизни янги манзилларга чорлаб юраверинг, устоз!

Азим СУЮН.

ЁН ДАФТАРДАГИ БИТИКЛАР

· Куни кеча осмонда эди, барибир ерга қайтди.

***

· Ўтли муҳаббат бора-бора меҳр-шафқатга айланади.

***

· Севгисиз кишига оламнинг гўзаллиги билинмайди.

***

· Масхарабознинг ҳам ичи тўла дард, алам...

***

· Мансабдан кетганингдан сўнг, сендан узоқлашган дўстларингга ачинаман.

***

· Бошингга оғир мусибат тушиб, ҳеч нарса, ҳатто ибодат айлаш ҳам кўнглингга таскин бермаса, етим-есирларга хайр-эҳсон қил, шундагина юрагинг бироз таскин топади.

***

· Ёлғон ҳақиқатга, ҳақиқат ёлғонга айланганда ҳайрон бўлиб юрма.

***

· Сенга қиёмат ошнаман, деган эдинг-ку, нега тириклик чоғимдаёқ бевафолик қилдинг?

***

· Муҳаббатдан мосуво бўлсанг, инсонийлик хислатлари сени бирин-кетин тарк айлагай.

***

· Мол-дунёга ҳирс қўйиш ака-укани душманга айлантиради.

***

· Дунё нечун бевафо бўлсин, Аллоҳ уни гўзал этиб яратган бўлса!

***

· Дўстларинг қанчалигини лавозимдан кетгандан кейин биласан.

***

· Мансабга кўтарилган чоғингда сени излаб келган мактабдошинг бўлса ҳам ишонма.

***

· Севгилингнинг ити ҳам сенга қадрдон кўринади.

***

· Хотиннинг айбини ошкор айласанг, сенга бола туғиб берганини пеш қилади.

***

· Буюк, муқаддас кўринган нарса ҳам баъзан саробга айланади.

***

· Севги ноёб туйғудир, у ҳар кимга ҳам насиб этавермайди...

***

· Муҳаббатли одамлар дардли инсондир.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ. 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0427

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Биз шундай халқмиз

ҚИЁМАТ ҚАРЗ

Бировдан кўп қарздор бўлган киши то буйнидаги омонатдан соқит бўлмагунча ҳожатбароринг кўзларига кўринмай, қочиб юради. Мен ҳам, мана, йигирма тўрт йилдирки, меҳрибон, жонфидо, бағри кенг, шоиртабиат Мақсуд акани соғинаман, ўта маҳзун ё қувончли лаҳзаларда суҳбатдошига ором бағишловчи сиймосини кўришни қўмсайман, парвозга отланаётганда ногаҳон «қарзларим» кўз олдимга келиб, қанотларимни тизгинлаб-тияман: «Ҳой инсофсиз, ҳой уятсиз, у кишидан кўрган меҳр-мурувватларнинг юздан бир улушини ҳам узолмай туриб, кўзларига қандай кўринасан?!» деб.

1973 йил. 22 июнь. Айни саратон. Газета топшириги билан раҳматли суратчи Абдусаттор Тўраев икковлон Зомин туманидаги «Дружба» хўжалигига бордик. Ҳаво айнаган. Чангтўзон. Ғалла ўраётган комбайнларнинг шовқини. Офтоб тиғидаги чодирда ўримчилар билан гурунглашдик. Суратга тушердик. Терга ботиб чалоп, чой ичдик. Сўнг у ердан Оқолтин туманидаги «Фарғона» хўжалиги пахтакорлари ҳузурига ўтдик. Қадрдонимиз Жумаш ака чопиқчилар билан дам олиб ўтирган экан. Чойга таклиф этишди. Азоий баданимни тер, чанг босиб бўғриққан. Бармоқ тегизсам пилта-пилта кир-лой чиқади. «Олдин бир ювиниб келай», — деб чорбоғ тўрига бордим. «Душ» олдидаги ўчоқда икки аёл таом тайёрлаётган экан. Уларнинг ёнида «шалопшулуп» сув сачратиб чўмилиш ноқулай. Девор орқасидаги ҳовуз бўйига бордим. Кўйлагимни ечиб, соҳилда ўтирдим. Толлар соя ташлаб турган сувнинг насими мисдек қизиган танимга хуш ёқди. Юз-қўлларимни ювиётганда «сув париси» бир йўла шўнғиб қўя қол, яйраб ором оласан, дегандек оғушига тортди. Бошим билан сувга оғаётганда, юрагим бир фалокатни сезгандек безовта «шиғ» этди. Лекин фурсат ўтган, қаддимни кўтаролмадим. Сув ости жим. Ҳеч нарсани сезмайман. На иссиқ, на совуқ, на хид, на оғриқ. Сув остидаги қувурнинг ўткир учи бошимга суқулиб, етмиш икки кило вазнимдан бўйним қайрилиб, умуртқа суягим 3-4-бўғинидан синиб, ҳаром мағиз қисилиб қолган. Шу сабаб мия, қулоқ, кўзларимдан бошқа аъзоларимнинг томири шол бўлиб, жон чиқиб кетаёзган экан. Фақат пешонам, чап ёнғоим ҳовуз тубидаги балчиқнинг юмшоқ салқинини сезади, холос. Хаёлимдан: «Қирққа ҳам етмай кетяпман. Жуда бемаъни ажал бўлди-да...» деган ўй ўтди.

Шу пайт қулоғимга жуда олисдан мен ҳозир тарк этаётган тирикларнинг фоний дунёсидан узуқ-юлуқ сўзлар эшитилди:

— ... шўнғияпти.

— Йўқ-қ, чўкиб қолган...

Шу пайт Жумаш ака мени, худди тушдагидек, ҳовуз лабига кўтариб олиб чиқди. Бошимдан қон оқяпти.

— Туринг.

— Туролмайман, қўл-оёқларим ҳеч нарсани сезмаяпти. Аҳволим... — дедиму, хушимни йўқотдим.

Укибоев директор бўлган совхоз шифохонасида ўзимга келдим. Иссиқ. Чанг. Чивинлар ғуж-ғуж. Заранг ўтинлардан ёқилган гулхан устида чалқанча ётибман. Суякларим «чирс-чирс» ёнади.

— Сув, сув-в! — Ҳеч ким сув бермайди.

— Гулхандан олиб, ёнбоши билан ётқизинглар...

Оқ халат кийган эркагу аёлларнинг лаблари унсиз қимирлайдию, бирови ҳам илтижомни бажармайди. Бу «гулхан» эмас, танамда-томирларимда қон айланмагани учун умуртқа атрофи чириб, яғир бўлаётган экан.

Оқолтиндан юз йигирма километр узоқдаги Тошкент. Эрталаб таҳририятда навбатдаги «летучка» бошланган. Кимдир эшикни очиб, бу нохуш хабарни айтган. Мақсуд ака паришон ҳолда ўрнидан туриб, ҳеч кимга ҳеч нарса демай, хизматхонасидан чиқиб кетган. Аҳволни ўз кўзи билан кўриб келиш учун Ҳошимжон Абдусаматовни Оқолтинга жўнатиб, ўзи устоз адиб Назир Сафаров билан маслаҳатлашиб, Марказий Қўмитага борган. У ердан Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарларига:

— Укамизни асраб қолинглар, — дея тайинлашган.

Мақсуд ака республиканинг энг катта нейрохирургларини Оқолтинга эргаштириб борганларида кўпни кўрган, малакали шифокорлар Зокиров, Марат Қориевлар беморнинг аҳволини, шарт-шароитларни ҳисобга олишганми:

— Қариндош-уруғларини чақиринглар, икки-уч кунлик умри бор, — деган хулосага келишган. Лекин шифокорлар ҳам, бошқалар ҳам бу беморнинг бошида Мақсуд Қориевдек дилбар инсон, мурувватли РАҲБАР турганини ҳисобга олишмаган.

Улар қайтиб кетгач, пойтахтдаги 17-шифохонада жойлашган нейрохирургия марказининг илмий раҳбари Абдулхайр Мирсодиқов беморни кўрди:

— Авваламбор, худо билади. Беморнинг юрагига боғлиқ кўп нарса,. Қолаверса, биз табибларнинг муолажамиз, дори-дармон ва дўст-ёрларининг ҳимматига боғлиқ, — дея мутасаддиликка кўнган. Шунда ҳушимга келиб, Мақсуд аканинг сўзларини олисдан эшитдим:

— Ҳали Самар билан катта уммонларда чўмиламиз насиб этса!

Ҳаво ҳарорати қирқ беш-эллик даража. Танам куйиб ётибди иситмадан. Бу сўзлар жизғанак вужудимга, изтиробларда ёнаётган миямга улкан уммоннинг зангори тўлқинларидек хуш ёқиб, ёрилай-ёрилай деб турган томирларим юмшади. Шу пайт Назир аканингми ёки Жуманиёз аканингми — фарқолмадим мулойим мунис товуши эшитилди:

— Ана-ана, сўлиб турган ёнғоларида ҳаёт шами ёнди. Юраги бақувват, волидаси айтгандай, дунёнинг бор азоб-дардларини кўрадию, ўлмайди. Иродаси метин.

Транспортда олиб юриш мумкин бўлмагани учун «Мирзачўл қурилиш» бошқармасига қарашли шу шифохонада қолдиришди. Бошқарма бошлиғи ҳамюрт қадрдоним Тўхтамиш Боймиров ҳам ҳар кун одам юбориб хабардор бўлиб турди. Катта хонада онам, опам, акам, турмуш ўртоғим кеча-кундуз дўхтиру ҳамшира назоратида ётибман. Абдулхайр ака қовуғимни тешиб, шланг қўйди. Хонага икки киши ёғоч қути олиб кириб, уни очишаётганда, бир табиб шундай деди:

— Бу суньий нафас олиш аппарати жуда зўр. 1-стационарда бир беморга шуни қўйишган экан. У ўлгандан кейин ҳам ярим соатлар ўпкаси ишлаб турган.

Бирдан ҳушёр тортдим. Жон ширин-да: «Бу аппаратга ишониб, уйқумда ўлиб қолсам-а?!» Ваҳимада ухлолмай қолдим. Тонг отса қизғиш қуёш олов бўлиб кўринади, тун кирса ғариб, мунгли ой иссиқ кулли товага ўхшайди. Ҳар куни Тошкентдан қадрдоним «Совет Ўзбекистони» ходимлари бир машина тўлиб шунча йўлга келиб-кетишади. Дори-дармон, озиқ-овқат, гул! Ҳар шанба шифохона устида «кукуруз» — самолёт айланиб, гўзаларга дори сепиш учун қурилган махсус майдончага бориб қўнади. «Тез ёрдам» уларни олиб келади. Профессор маслаҳат бериб, яна қайтиб кетади. Ҳурматли муштарий бу «бордикелди»лар ўз-ўзидан бўлмаганини, Мақсуд аканинг саъй-ҳаракатлари ҳосиласи эканини сезиб турган бўлса керак, албатта.

Махсус кроватда ётибман. Бўйнимга тош осилган. Нафас олишим оғир. Иштаҳа йўқ. Атрофи йиринглаётган умуртқа суякларим дўзахий азобларда ёнади. Ўйлов, ваҳима, азоб-оғриқларга ҳам кўника бошладим. Иссиғим қирқ бир даражага етганда ҳушимдан кетаман. Шунда резина идишларига солиб музлатилган музхалталарни олиб, пешана, кўкрак, биқин, тиззамга қўйишади. Ҳарорат ўттиз тўққизга тушганда ҳушимга келиб, иссиқ пар кўрпа остида бўғланиб ётгандай кўзларимни очаман, атрофга қарайман:

— Сизлар ҳаммаларинг бу ерда мени «қўриқлаб» ўтирибсизлар. Болалар қаерда, тентираб юришгандир?!

Дераза олдида мендан кўзқулоқ бўлганча Тошкентдаги «Академкнига»дан топиб келган «Нейрохирургия» китобини ўқиётган умр йўлдошим Олиябону жилмайиб ёнимга келди:

— Болалардан хотиржам бўлинг. Мақсуд ака қўшнимиз Машҳурахон (Мирзамуҳамедова)ға: «То Самар оёққа туриб, турмуш ўртоғи уйига қайтгунча рўзғорига, болаларига бош бўлиб турасан, — деб тайинлаганлар. Мендан ҳам яхшироқ қарашяпти.

Ўпкам тўлиб, томоғимга шўр суюқлик тиқилиб, бошимни деворга бурдим: «Ой, Тангрим! Бу ғариб, сергалва дунёни безаш учун шундай олижаноб, оқибатли инсонларни яратиб қўйганингга шукурлар бўлсин. Эҳтимол, Мақсуд ака ўз фарзандларига ҳам бунчалик мурувват кўрсатмагандир. Хизматчиси бир кун ишдан қолса, «тушунтириш хати ёз!» деб зуғумга оладиган «раҳбар»ларга йўлиқтирмаганингга шукр! Мен бунчалик яхшиликларни қачон, қандай узаман?! Катта, масъул, серташвиш жамоанинг раҳбари бир-икки марта келиб қолмидан хабар олиб кетса ҳам у ўз инсонийлик бурчини бажарган, менинг у кишидан гина қилишга ҳаққим бўлмасди-ку!»

Шу куни тушдан кейин Олиябону бир оёғимга, бир қўлимга термилиб, чеҳраси ёришиб, кўзларига ёш қуйилди:

— Ҳа, нима бўлди?

— Чап қўлингизнинг бош бармоғи, чап оёғингизнинг чимчилоғи қимирлади.

— «Қимирласа» нима қилибди?

— Мана бунда, — «Нейрохирургия» китобига ишора қилиб, буклаб қўйган варақни очди: — «Агар эллик-олтмиш кунгача беморнинг бирон бармоғи қимирласа у тушакда михланиб қолмайди, оёққа туриши мумкин!» — деб ёзилган.

Унга қўшилиб менинг ҳам кўзларим намланди. Йиғи ҳам даво экан, неча кунлардан буён қуриб қақшаб ётган, томирларим юмшаб, кўксимга ботиб ётган тош эриб, ҳузурландим. Ҳамшира Женянинг қўл радиоприёмнигидан «Самарқанд ушшоғи»ни тинглаб, унга телбавор жўр бўлишиб, яйрадик. Ҳаяжонда кўзларимни уйқу тарк этди. Бу олдинги кунлардагидек мудҳиш уйқусизлик эмас. Деразадан осмонга тикилиб ётиб, коинотда парвоз қилиб юрган инсон ақл-заковатининг бир парчаси — «юлдуз» — сунъий йўлдошнинг парпираб сузаётганини —дераза ҳошиясининг жанубий буржидан — шимолий буржига шитоб яқинлашаётганини кўрдим: «О, Тангрим, мен ғариб, нотавон деб юрган бу дунёда қандай мўъжизаларинг бор-а! Ўликни тирилтирадиган куй-қўшиқлар, ожизнинг кўзларини очувга қодир ранглар, хуршиди жаҳон, ою юлдузлар. Лекин барибир шуларнинг гултожи, шоҳ асари Инсон, унинг юраги бўлса керак!»

Бўйним суяклари бироз «қотгач», махсус кроватда машқ қилдириб, самолётда олиб кетишга тайёрлашди. Биринчи сентябрь. Замбилга солиб, майдонгача олиб боришди. Профессорнинг бир ўзи мени ёш боладек самолётга кўтариб олди. Етмиш бир кунда таним қирқ бир килограмм озиб, ўттиз бир килограмм «юк»им қолган экан. Тошкентнинг кичик қўналғасида самолётдан «Тез ёрдам» машинасига олиб ўтишаётганда йўловчиларнинг ғала-ғовурини эшитиб, дарахтларнинг шамолда чайқалган уч шохларини кўрдим. Ҳаётим чироғи сўнмаганига шунда ишона бошладим.

Нейрохирургия марказида алоҳида хонага жойлаштиришди. Ҳароратим ҳали ҳамон баланд. Илгари чирсиллаб ёнган суякларим энди «музлайди», юрагимга тушади. Танамда бир литрга етар-етмас қон қолган. Бу жароҳатларнинг битиши у ёқда турсин, аъзоларнинг рисоладагидек ишлашига ҳам кифоя эмас.

— Чехословакиянинг икки флакон (номи эсимда йўқ) дориси зарур эди, — деди профессор.

Учинчи кун Абдулхайр ака хонага суюниб кирди. Қўлида катталарнинг пойабзали солинадиган картон қути:

— Мақсуджонга раҳмат, — лаблари мамнун илжайди. — Икки флакон сўровдим, мана, катта хазинани топтириб берди.

Шундан кейин етти марта қон қуйишди, биқинига «220 грамм» Ступак, Брозаускас, Анорбоев...» деб ёзиб қўйилган шишачалардан. Икки қўлтиғимдан ушлаб биринчи марта оёққа турғазишганда, кўзларим тиниб, дунё қоронғу бўлди. Аста-секин бир, икки минут турғаза бошлашди. Қиш охири. Тушдан кейин «ором олиш» пайти. Йўлакда кўп қадам товушлари эшитилди. Елкасига оқ халат ташлаган Мақсуд ака хонага соғлиқни сақлаш вазири Қаюм Зоиров бошлиқ казо-казоларни бошлаб келди. Ҳаяжондан ўрнимдан туролмадим. Кафтларим ҳам мушт бўлиб қолган. Қаюм аканинг ўзлари ёнимга келиб ўтириб, ҳол сўрадилар.

— Раҳмат-э, Сизга ҳам, Мақсуд акага ҳам...

Сўнг бош врач Ҳусан ака ва профессор Мирсодиқовга бурилиб, сўрадилар:

— Хўш, бизга қандай хизматлар бор?

Ҳусан ака махсус кроватлардан беришни сўради. Ўринбосарлари дафтарига ёзиб олгач, Мирсодиқовга тикилдилар:

— Беморимиз чиндан ҳам нажотсиз эди. Мен шу жойда йигирма икки йил ишлаб беш мингга яқин шу хил касалларни кўрганман. Бунақа касалларнинг 99,99 фоизи ҳаётдан кўз юмган. Қолгани эса тўшакка михланиб, шифтга тикилиб ётган. Самариддин шу йиллар мобайнида оёққа турган иккинчи киши. Энди у кишини бу ерда сақлаб туришга ҳожат йўқ. Санаторий типидаги жойга ўтказиш фойдали.

Қаюм ака менга қарадилар:

— Уйни ҳам соғингандирсиз. Ё шифохонага ўтасизми?

— Фойдаси бўлса шифохонага ўтардим.

Қаюм ака шу жойнинг ўзида «касаллик варақаси»нинг тепасига: «Семашкога...» деб ёзиб, имзо чекиб бердилар.

Агар Мақсуд аканинг саъй-ҳаракатлари бўлмаса мен умримда бу камтар вазирнинг қўлларидан йўлланма олиш у ёқда турсин, юзма-юз бўлиб саломлашишим ҳам даргумон эди.

Энди Тошкентда яшолмайман, ишлолмайман, деганда менинг келажак қисматимни мулоҳаза қилиб, Комил Яшин, Рамз Бобожонлар билан бамаслаҳат Қашқадарё ёзувчилар бўлимини тузиб, Қаршига юборган ҳам ана шу азиз Мақсуд ака эдилар. Мен саҳифадан кўп жойни банд этиб, газетхонларни зериктирмаслик учун Мақсуд аканинг қандай адиб, ҳуқуқшунос олим, қандай муҳаррир эканликлари ҳақида лом-мим демадим. Кутубхоналарда тарихга мерос бўлиб турган китобларидан, газета тахламларидан у кишининг бу сифатларини муаррихлар, ўқувчилар ўзлари яхши билишади. Мақсуд ака бошлиқ жамоа машинистка Гулсум опаю Ёқутойдан бошлаб то муҳарриргача бир-бирини бир кун кўрмаса соғинадиган иноқ оила эдик. Ҳаммамизнинг, ҳатто Мақсуд аканинг ҳам устозлари Зиёд ака Есенбоев ҳақларида алоҳида ёзарман. Ҳабиб ака, Маъруф ака, Холбек ака, Расул ака, Худойберди, Ҳайдарали, Муҳиддин ака, Алижон ака, Абдуллажон, Ўктамжон, Мунаввар опа, Комила опа, Меҳри хола, Эътиборхон, Машҳурахон, Ҳамид ака, Раҳматулло ака, Яҳё ака, эҳ-ҳе буларнинг ҳар бири алоҳида бир дунё! Шуларнинг меҳригиёси туфайли мен профессор айтган «99,99»лар рўйхатидан қутулиб қолдим. Мен Мақсуд аканинг оддий бир хизматчисига кўрсатган меҳр-мурувватидан бир шингил ҳикоя қилиш билан чекланаман. Тўқсон ёшга етганларида айтадиган икки оғиз сўзимни ҳам юрагимга тугиб қўйибман. Тангри иноят қилса, бу ҳам армон бўлиб қолмас.

Самар НУР.

Бу чизгилар битилган варақларни буклаб, хатпўшга солаётганимда, Олиябону:

— Кимга хат ёздингиз? — деб сўради.

— Мақсуд ака етмишга кирибдилар. Қадрдон газетамдан икки калом сўз сўрашибди.

— Агар рухсат этсангиз мен ҳам икки сатр қўшардим.

— Марҳамат. Аслида буни Сиз ёзсангиз аниқ, маъқул бўларди. Чунки мен беҳуш ётганда кўп тафсилотларни нотўғри англаган бўлишим мумкин.

Олиябону чизгиларни ўқиб, остига шу жумлаларни қўшиб қўйди:

«Меҳрибон Мақсуд ака, ассалом. Етмиш ёшингиз муборак бўлсин. Мен укангизнинг атрофида гирди-капалак бўлиб юрган ўша серташвиш, ваҳимали кунларда ҳар доим мени «жаннати келин» деб алқардингиз. Аслида ЖАННАТИ ИНСОН СИЗ эканлигингиз хаёлингизга ҳам келмасди».

ҚАРШИ.

ШОШМА, ТУЛПОРИМ!

Умр қурғур ўтди,
ёшлик ҳам кетди,
Энди тулпоргинам,
қайга шошасан.
Чақмоқ туёқларинг
кўксим илитди,
Ошиқмай кетавер,
манзил узоқмас,
Бағримни ўтларга
қўйиб ёқасан,
Юзинг китобига
мунгли чизиқлар,
Дардли кечмишларинг
акси эмасми?
Пешонанг устида
қотган чизгилар,
Аянчли қисматинг
дарзи эмасми?
Илтижом, тулпорим,
шошмай юравер,
Сўровим қайтарма,
дея қолгил хўп.
Энди ҳеч ким мени
кутмас интиқиб,
Фақат битмай қолган
қўшиқларим кўп...

ЮЛДУЗЛАР

О, юлдузлар, нега жимсиз,
Нечун мижжа қоқмайсиз?
Кўксингизда хаёлларму,
Ё туғёнлар сақлайсиз?

Садо беринг, ахир кимсиз?
Ёки назму-навосиз.
Андуҳларга тўла дилга,
Тушган сирли садосиз.

О, юлдузлар нега жимсиз,
Садо беринг, ахир кимсиз..?

РАШК

Баъзан рашк ҳам қиламан,
Ишқингда куйганимдан.
Агар билсанг бу ҳолим
Жонимдан суйганимдан.

Сўзламайсан, сен соқовсан,
Юрагингда ёнар дард.
Ё девона, ё анқовсан,
Муҳаббатда бўлгин мард.

Мақсуд ҚОРИЕВ

БИТМАЙ ҚОЛГАН ҚЎШИҚЛАРИМ КЎП

Сокин кечалар илк ҳикоялар, қиссаларим устида ишлаган кезларимда тафаккурим кўзгусида ушбу шеърий мисралар гўё қушиқдай оқиб келганда юрак туйғуларимни дафтаримга тушириб қўйгандим.